



Ўзбекистон Республикасида етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар таълимини қўллаб-қувватлашнинг қонуний асослари

Худайбергенова Дилором Зафаровна

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети мустақил
изланувчиси

Abstract This article analyzes the legal, institutional and social mechanisms for supporting the education of orphans and children deprived of parental care in the Republic of Uzbekistan. Based on the current legislation and educational reforms, existing problems are identified and scientific and practical proposals are developed to eliminate them.

Keywords: orphans, children deprived of parental care, education policy, social protection, inclusive education, benefits

Аннотация Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида етим болалар ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар таълимини қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий, институционал ва ижтимоий механизмлари таҳлил қилинган. Амалдаги қонунчилик ва таълим ислохотлари асосида мавжуд муаммолар аниқланиб, уларни бартараф этишга қаратилган илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: етим болалар, ота-она қарамоғидан маҳрум болалар, таълим сиёсати, ижтимоий ҳимоя, инклюзив таълим, имтиёзлар

Бугунги глобаллашув шароитида болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифадаги болаларни қўллаб-қувватлаш давлатлар олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг сифатли таълим олиши, уларни жамиятга мослаштириш ва келажақда муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланган.





Мазкур мақоланинг мақсади – ушбу тоифадаги болалар таълимини қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асослари, амалий механизмлари ва долзарб муаммоларини илмий таҳлил қилишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасида етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар таълимини қўллаб-қувватлаш масаласи бир қатор қонунлар билан тартибга солинган.

Уларнинг орасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси алоҳида аҳамиятга эга.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига (1-моддаси) мувофиқ, Ўзбекистон – ижтимоий давлат, ижтимоий давлат тамойилига кўра, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлар, шу жумладан етим болалар таълим, тарбия ва касб-хунар эгаллашда давлат томонидан устувор тарзда қўллаб-қувватланади.

Ўз ўрнида, Конституциянинг 19-моддасига мувофиқ, барча фуқаролар қонун олдида тенглиги таъкидлаб ўтилиб, мазкур норма асосида етим болаларни таълим соҳасида камситиш мумкин эмас, аксинча, уларнинг тенг имкониятларга эга бўлиши учун қўшимча кафолатлар жорий этилиши Конституцияга зид эмас, балки унга мос келади.

Шунингдек, Конституциянинг 50-моддасига мувофиқ, ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эгаллиги ва давлат бепул умумий таълимни кафолатлаши кўрсатиб ўтилган бўлиб, ушбу норма етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ҳам тенг даражада татбиқ этилган ҳолда уларнинг таълим олиши давлат кафолати ҳисобланади ҳамда болаларнинг моддий ёки оилавий ҳолати таълим олиш ҳуқуқини чеклашга асос бўла олмайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, ҳар ким жинси, тили, ёши, ижтимоий келиб чиқиши, яшаш жойи ва бошқа ҳолатлардан қатъи назар таълим олишда тенг ҳуқуққа эгаллиги таъкидлаб ўтилган бўлиб, ушбу норма етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг таълим муассасаларига қабул қилинишида, таълим жараёнида камситилишига йўл қўйилмаслигини кафолатлайди.

Қонунда таълим соҳасида давлатнинг асосий вазифалари белгилаб қўйилган бўлиб, улар қаторида, ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифадаги шахслар учун таълим олишга шароит яратиш, таълимнинг барча босқичларида давлат кафолатларини таъминлаш каби қоидалар мавжуд бўлиб, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар айнан шу ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифа сифатида эътироф этилади.





Шунингдек, давлат бепул умумий ўрта таълим олишни кафолатлаши белгиланган бўлиб, унга мувофиқ етим болалар мактаб таълими билан тўлиқ бепул таъминланади ва уларни дарсликлар, ўқув воситалари билан таъминлаш давлат зиммасига юкланади.

Инклюзив таълимни жорий этиш ва ривожлантириш ҳам, давлат сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида белгиланган. Бу эса, етим болаларнинг умумтаълим мактабларида тенг шароитда ўқишини, уларнинг жамиятга интеграциясини ва ижтимоий четланишнинг олдини олишни таъминлашга хизмат қилади.

Қонун билан таълим олувчиларга нисбатан ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари назарда тутилган бўлиб, улар стипендиялар, моддий ёрдам, таълимда қўшимча имтиёзлардан иборат. Амалий жиҳатдан бу нормалар етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган боалар учун олий таълим муассасаларига киришда имтиёзлар, давлат грантлари, ижтимоий стипендиялар кўринишида татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикасининг *“Таълим тўғрисида”*ги Қонуни етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг таълим олиш ҳуқуқини тўлиқ кафолатлайди, уларни ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифа сифатида тан олиб, қўшимча қўллаб-қувватлаш механизмларини жорий этиш учун ҳуқуқий асос яратади ҳамда ушбу соҳада қабул қилинаётган бошқа қонун ҳужжатлари ва давлат дастурлари учун таянч норматив база ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг *“Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”*ги Қонунига мувофиқ, ҳар бир бола таълим олиш ҳуқуқига эгали ва давлат боланинг таълим олиши учун зарур шарт-шароитлар яратиши кўрсатиб ўтилган бўлиб, бу норма етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга нисбатан таълим муассасаларига тенг кириш имконияти, таълим жараёнида камситишга йўл қўйилмаслиги ҳамда давлат томонидан таълим билан боғлиқ харажатларни қоплаш чоралари кўрилишини белгилайди.

Ушбу Қонунда алоҳида таъкидланишича, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар давлат ҳимоясида бўлади.

Ушбу норма етим болалар таълимини қўллаб-қувватлашда давлатнинг кучайтирилган мажбуриятларини ҳамда таълим, тарбия ва касбий тайёргарликни таъминлаш бўйича махсус чораларни назарда тутди.

Қонунда болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари ҳам белгиланган бўлиб, унга кўра, давлат болаларни моддий, ижтимоий ва педагогик жиҳатдан қўллаб-қувватлайди ва таълим муассасаларида болаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш таъминланади. Амалий жиҳатдан бу - бепул таълим, дарслик ва





ўқув воситалари билан таъминлаш ҳамда психологик-педагогик хизматлар кўринишида ифодаланади.

Алоҳида эътиборли томони шундаки, Қонунда давлат органлари, таълим муассасалари ҳамда васийлик ва ҳомийлик органларига етим болаларнинг таълим олиши ва ҳуқуқларини таъминлаш бўйича аниқ вазифалар юкланган.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг *“Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”*ги Қонуни етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг таълим олиш ҳуқуқини алоҳида муҳофаза қилади, давлат зиммасига уларни таълим соҳасида кучайтирилган тарзда қўллаб-қувватлаш мажбуриятини юклайди ҳамда соҳавий қонунлар ва давлат дастурлари учун мустаҳкам ҳуқуқий асос вазифасини бажариб келмоқда.

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш халқаро ҳуқуқнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси мазкур соҳада халқаро стандартларни тан олган ҳолда, уларни миллий қонунчилик ва давлат сиёсатини шакллантиришда муҳим манба сифатида қўллаб келмоқда.

Шу боис, халқаро ҳужжатлар етим болалар таълимини қўллаб-қувватлашнинг қонуний асосларини мустаҳкамлашда алоҳида аҳамият касб этади.

Халқаро ҳужжатлар болалар ҳуқуқларини умумэътироф этилган тамойиллар асосида белгилайди ҳамда давлатлар зиммасига муайян мажбуриятлар юклайди.

Уларда боланинг таълим олиш ҳуқуқи, камситишга йўл қўймаслик ва боланинг энг яхши манфаатларини таъминлаш каби умумий ҳуқуқий стандартлар мустаҳкамланган.

Бу нормалар миллий қонунчиликни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишда йўналтирувчи аҳамиятга эга.

БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияси етим болалар таълимини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги энг асосий халқаро ҳужжат ҳисобланади.

Унда, ҳар бир боланинг таълим олиш ҳуқуқи, давлатнинг таълимга тенг имконият яратиш мажбурияти ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга алоҳида ҳимоя ва ёрдам кўрсатиш каби қоидалар белгиланган бўлиб,





Ўзбекистон Республикаси ушбу Конвенцияга қўшилиши орқали етим болалар таълимини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни халқаро мажбурият даражасига кўтарди.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда ҳам, таълим инсоннинг асосий ижтимоий ҳуқуқи сифатида эътироф этилиб, унда таълимнинг барча учун очиқлиги, ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифалар учун махсус қўллаб-қувватлаш чоралари кўзда тутилганлиги билан бу нормалар етим болаларнинг таълим соҳасида камситилишининг олдини олишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Соҳада Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳам, стратегик ва тизимли аҳамиятга эга бўлиб, муҳим норматив-ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Бу борада, сунгги йилларда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги ПҚ-5215-сон *“Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”*ги қарори Ўзбекистон Республикасида етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялаш, таълим билан қамраб олиш ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида туб бурилиш ясаган асосий стратегик ҳужжат ҳисобланади.

Мазкур қарор орқали болаларни муҳофаза қилиш сиёсатида инсонпарварлик, оилавий тарбия ва боланинг энг яхши манфаатлари устувор тамойил сифатида белгилаб берилди.

Қарорнинг энг муҳим аҳамияти шундаки, у меҳрибонлик уйлари ва интернат типидagi муассасаларга қарамликни камайтириш, болаларни оилавий тарбия шаклларига босқичма-босқич ўтказиш сиёсатини давлат даражасида мустаҳкамлади. Бу орқали боланинг табиий оила муҳитида камол топиши, таълимга мослашуви, шахсий ва ижтимоий ривожланиши учун қулай шарт-шароит яратилди.

Шу жумладан, болаларни мактабгача ва умумтаълим муассасаларига навбатсиз жойлаштириш, таълим жараёнида уларни бепул дарсликлар, ўқув анжомлари билан таъминлаш, таълим муассасаларида психологик-педагогик қўллаб-қувватлаш хизматларини кучайтириш назарда тутилиб, натижада етим





болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг таълимдан четда қолиш хавфи кескин камайди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги ПҚ-5216-сон *“Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”*ги қарори билан етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг таълим олишини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб қуйидаги тартиб ўрнатилди:

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар давлат тасарруфидаги мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларга навбатга қўйилмаган ҳолда жойлаштирилади;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга улар техникум, коллеж, академик лицей ёки олий таълим муассасасида ўқиётган даврида ҳар ўқув йилида бир маротаба ўқув, илмий ва бадиий адабиётлар (китоблар) харид қилиш харажатлари учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баравари миқдорида субсидиялар ажратилади;

вазирлик ва идоралар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган графикка асосан бир йилда камида бир маротаба барча “Меҳрибонлик” уйлари, Болалар шаҳарчалари ва оилавий болалар уйлари, шунингдек “SOS - Ўзбекистон болалар маҳаллалари” уюшмасининг болалар маҳаллаларида тақдимотлар ўтказди;

ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчиларининг нодавлат таълим ташкилотларининг хорижий тиллар, олий таълим муассасасига ўқишга кириш учун имтиҳон топшириладиган 2 та фан, ошпазлик, қандолатчилик, сартарошлик, компьютер саводхонлиги ва ўзларининг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда бошқа мос йўналишлар бўйича курсларида ўқиш харажатлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бир йилда базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваригача миқдорда компенсация қилинади;





етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ўқишни давлат олий таълим муассасаларида давом эттирганда уларга Талабаларни рағбатлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан стипендия тўловлари 50 фоизга оширилган ҳолда тўланади;

олий таълим муассасаларига абитуриентларни қабул қилишнинг умумий сонига Меҳрибонлик уйлари, кичик ҳажмли болалар уйлари, болалар шаҳарчалари, SOS - болалар маҳаллалари ва оилавий болалар уйларининг битирувчилари бўлган, шунингдек васийликка, ҳомийликка ёки оилага тарбияга олинган (патронат) етим болалар ҳамда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлиги, бедарак йўқолган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилганлиги сабабли ота-она ёки ёлғиз она қарамоғидан маҳрум бўлган, шунингдек, топиб олинган (ташлаб кетилган) ота-онаси номаълум бўлган болалар ҳамда никоҳда бўлмаган онанинг (ёлғиз онанинг) вафот этганлиги натижасида боқувчисиз қолган болалар (йигирма беш ёшга тўлганлар бундан мустасно) учун қўшимча равишда бир фоизгача давлат гранти асосидаги қабул квоталари ажратилади.

Мазкур Қарор етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар таълимини қўллаб-қувватлашда муҳим амалий аҳамиятга эга бўлиб, у билан таълим соҳасида давлат кафолатларини аниқ механизмлар орқали таъминлади, таълим ва ижтимоий ҳимоя тизимини ўзаро уйғунлаштирди ҳамда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган замонавий ва инсонпарвар сиёсатнинг ёрқин намунаси бўлди.

Қарор ижросини изчил таъминлаш келгусида етим болаларнинг таълим сифатини янада оширишга хизмат қилади.

Муқаддам, қонунчилик ҳужжатларида Оилавий болалар уйидаги ҳар бир тарбияланувчининг яшаш харажатлари ва уни парвариш қилиш учун 18 ёшга қадар давлат томонидан маблағ ажратилиши белгиланган бўлиб, оилаларда 18 ёш ва ундан ошган ҳамда умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус таълим муассасаларида таълим олаётган ёшларнинг таъминоти тўхтатилган, шунингдек улар таълим даврида вояга етганликлари туфайли оилани тарк этишга мажбур бўлишган.





Шу муносабат билан, тадқиқот натижаларини ҳаётга татбиқ этиш ҳамда Оилавий болалар уйлари фаолиятида мавжуд муаммоларни бартараф этиш борасида билдирилган таклифлар инobatга олиниб, шунингдек вояга етган тарбияланувчиларнинг оила муҳитида узлуксиз таълим олишларини таъминлаш ва таълим муассасаларни тўлақонли тамомлаш имкониятини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 ноябрдаги ПФ-185-сон “*Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*”ги Фармонининг 4-банди “в” кичик банди бешинчи хатбошисида “Тутинган (фостер) оилада тарбияланаётган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг яшаш харажатлари, шунингдек, Оилавий болалар уйини ташкил этган фуқароларга болани тарбиялагани (парваришлагани) учун давлат томонидан ажратиладиган маблағлар тарбияланувчилар умумий ўрта, ўрта махсус ва бошланғич профессионал таълим муассасаларини тамомлагунига қадар сақлаб қолиниши” кўрсатиб ўтилди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, 2023/2024 ўқув йилида турли ҳаётий воқеалар сабабли ўз вақтида умумтаълимга жалб этилмаган 132 нафар етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг мактабларда ёшига нисбатан кичик синфларда таълим олишлари, бу эса, ўз навбатида уларнинг синфдошларига нисбатан жисмонан ва физиологик жиҳатдан ривожланганлиги сабабли, ўзидан кичик ёшдаги болаларга нисбатан зўравонлик ва тазйиқ ҳолатлари учраётганлиги, ўз ўрнида айнан Оилавий болалар уйларида 18 ёшга тўлган ва умумтаълим мактабларининг турли синфларида таълим олаётган ёшларга давлат томонидан пул маблағларини ажратиш тўхтатилиши, уларнинг келгуси ҳаётида ижтимоий таъминотига ўз таъсирини кўрсатаётганлиги аниқланди.

Шу муносабат билан, тадқиқот натижаларини ҳаётга татбиқ этиш ҳамда Оилавий болалар уйлари фаолиятида мавжуд муаммоларни бартараф этиш борасида билдирилган таклифлар инobatга олиниб, шунингдек тарбияланувчиларнинг муносиб таълим олишларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг топшириғи асосида, ёшига нисбатан бир ёш фарқи билан пастки синфларда ўқиётган тарбияланувчига индивидуал ёндашув асосида психолог, педагог ва синф раҳбарларини бириктириш орқали





умумий ўрта таълимнинг ўқув дастурларини ўзлаштириш чораларини кўриш ҳамда тарбияланувчиларни Ўзбекистон Республикасининг “*Таълим тўғрисида*”ги Қонуни ҳамда қонуности ҳужжатлари талабларидан келиб чиққан ҳолда белгиланган тартибда экстернат тартибида имтиҳонларни топширишга рухсат берилди.

Шунингдек, келгуси йилларда ўз вақтида таълимга жалб этилмай қолган, мактаб ёшидан (1-синфда 7 ёш) ошган етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни туман (шаҳар) ҳокимликлари қошидаги Болалар масалалари бўйича комиссиянинг тегишли қарори асосида ёшига мос синфларга қабул қилиш амалиёти йўлга қўйилиши кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикасида етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар таълимини қўллаб-қувватлаш соҳасида сўнгги йилларда қатор ижобий ислохотлар амалга оширилди, оилавий парвариш шакллари ривожлантирилди, таълим муассасаларида психологик ва педагогик қўллаб-қувватлаш кенгайтирилди.

Бироқ таҳлиллар шуни кўрсатадики, етим болаларнинг таълимини қўллаб-қувватлашда ҳали ҳам етарли даражада ҳал қилинмаган муаммолар мавжуд.

Муаммолар жумласига қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

таълим, ижтимоий ҳимоя ва васийлик органлари ўртасида маълумотлар алмашинуви ва ҳамкорлик етарли даражада эмаслиги;

мактаб ва оилавий болалар уйлари ўртасида боланинг таълим жараёнида узлуксиз қўллаб-қувватланиши йўлга қўйилмаганлиги;

инклюзив таълим ва психолого-педагогик қўллаб-қувватлаш соҳасида махсус тайёрланган педагоглар камлиги;

мактаб психологлари ва ижтимоий педагоглар сони етим болалар сонига нисбатан камлиги ва уларнинг функционал имкониятлари чекланганлиги;

етим болалар оилавий муҳитда тарбияланишда таълимга мослашувда қийинчиликларга дучор бўлиши;

инклюзив таълим жорий этилган мактабларда ресурс ва материаллар етишмаслиги таълим сифатига салбий таъсир қилади.

Мазкур камчиликларни бартараф этиш мақсадида қуйидаги таклифларни билдириш мақсадга мувофиқ:

таълим, ижтимоий ҳимоя (васийлик органлари) органлари ўртасида маълумот алмашинуви тизимини электронлаштириш;





мактаб ва оилавий болалар уйлари ўртасида боланинг таълим жараёнини узлуксиз қўллаб-қувватлаш механизмларини жорий этиш;

мактаб психологлари, ижтимоий педагоглар ва дефектологларнинг сонини кўпайтириш;

инклюзив таълим ва психолого-педагогик қўллаб-қувватлаш соҳасида малака ошириш курсларини ташкил қилиш;

инклюзив таълим жорий этилган мактабларда ресурслар, дарслик ва ўқув воситалари билан таъминлаш;

оилавий парваришдаги болалар учун мактабга мослашув дастурлари ва индивидуал таълим режаларини жорий этиш;

давлат ва хусусий молиялаштириш механизмларини мувозанатли амалга ошириш;

молиявий ёрдамни мақсадли ва самарали тақсимлаш тизимини ривожлантириш;

институционал тарбиядан чиққан болалар учун дастлабки касбий ва таълимни қўллаб-қувватлаш дастурларини яратиш;

етим болаларнинг ижтимоий ва шахсий ривожланиши учун тренинглар, клублар ва қўшимча дастурлар ташкил қилиш;

мотивация ва келажакка ишончни оширишга қаратилган психологик ва касбий кўмак бериш;

жамиятда етим болаларнинг фаолияти ва ютуқларини кенг оммалаштириш.

Шу тариқа, ҳозирги ислохотларга қарамасдан, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар таълимини қўллаб-қувватлашда бир қатор институционал, педагогик, моддий ва ижтимоий муаммолар мавжуд.

Илмий таклифлар ва амалий чоралар ушбу муаммоларни бартараф этишга қаратилган бўлиб, болаларнинг таълим сифати ва ижтимоий интеграциясини яхшилашга хизмат қилади.

Ушбу йўналишдаги чора-тадбирларни изчил амалга ошириш мамлакатда ижтимоий адолат ва болалар ҳуқуқларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ўз ўрнида, мазкур соҳада васийлик ва ҳомийлик органининг болалар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашдаги алоҳида функцияларини ҳам таъкидлаб ўтиш зарур.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 27 декабрдаги 893-сон “*Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллари бўйича айрим норматив-ҳуқуқий*





ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, мазкур орган зиммасига қуйидагилар вазифалар юклатилган:

боланинг хавфсизлигига таҳдид солувчи ёки ота-онанинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилувчи хатар омилларини бартараф этиш учун психологик, тиббий, таълим, ҳукукий, ижтимоий хизматлар, иқтисодий барқарорлигини таъминлаш бўйича кўмак кўрсатилишини ташкил этиш ҳамда оилада хавф бартараф этилганлигини мониторинг қилиш;

ўз мажбуриятларини бажармаётган ота-оналарни масъул давлат органлари билан бирга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда фарзанди олдидаги мажбуриятларини бажаришга жалб этиш;

ота-она ўртасидаги боланинг тарбияси ва таълимига доир келишмовчиликларни қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ҳал этиш;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг қўшимча таълим олишлари, касб-ҳунар ўрганишлари, тадбиркорлик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратиш.

Юқорида таъкидлаб ўтилганлардан, васийлик ва ҳомийлик органлари болалар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда кўп қиррали ва масъулиятли функцияларни бажаради.

Боланинг хавфсизлигини таъминлаш, ота-оналарни масъулиятга жалб этиш, оилавий низоларни ҳал этиш ҳамда етим болаларни таълим ва меҳнатга йўналтиришга қаратилган мазкур функциялар боланинг ҳар томонлама камол топишига хизмат қилади.

Ушбу вазифаларни самарали амалга ошириш орқали болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизми яратилади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасида етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар таълимини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тизимли хусусият касб этмоқда.

Илмий-амалий ёндашувларни кучайтириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва илғор тажрибаларни жорий этиш орқали мазкур тоифадаги болаларнинг барқарор ижтимоий ривожланишига эришиш мумкин.





Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
2. Ўзбекистон Республикасининг *“Таълим тўғрисида”* ги Қонуни;
3. Ўзбекистон Республикасининг *“Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”* ги Қонуни;
4. БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияси;
5. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт;
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги ПҚ-5215-сон *“Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизimini жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”* ги қарори;
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги ПҚ-5216-сон *“Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизimini жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”* ги қарори;
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 ноябрдаги ПФ-185-сон *“Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”* ги Фармони;
9. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 27 декабрдаги 893-сонли *“Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллари бўйича айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”* ги қарори;
10. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2024 йил 31 июлдаги 30/1-2715-сон топшириғи топшириғи.

